

О'ЗВЕКИСТОН BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta


[f UZBUNYODKOR](#)

[t.me/uzbunyodkor](#)

№5-6 (354-355)

2020 йил 21 январь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



Строитель Узбекистана

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИННИГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасининг биринчи мажлиси
бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадхияси янгради.

Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Биринчи мажлиснинг муваққат котибијати, Саноқ комиссияси ҳамда Овозларни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишини назорат қилувчи муваққат гурӯҳ

сайлаб олинди ва кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қонунчиллик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари түғрисида ахборот берди.

Мавзумки, мамлакатимизда 2019 йил 22 декабрь куни парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловлар қонун талаблари асосида, ҳалқаро сайлов стандартларига мос равишда, юксак уюшкоқлик билан, сиёсий партияларнинг реал рақобат шароитида ўтказилиди. Бу галги сайловлар «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» широри остида, янги сайлов кодекси асосида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Анвало, сизларни ҳуқуматиниң ишончига савор бўйи, Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси депутати деган юксак мақомга эга бўлганинг билан чин дилдан муборакбод этаман.

Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар, Ўзбекистонимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Ҳалқимиз бу синовдан ёрун юз билан ўтди, десак, муболага бўлмайди.

Табий савол туғилди, бу сайловларнинг асосий хусусиятлари аввало нималарда на-моён бўлди?

Биринчидан, сайловлар ҳалқимизнинг онгу тафаккури, сиёсий билими ва маданияти ўсуб, жамиятимизда демократик тамоил-

лар илдам қадамлар билан чуқур қарор топиб бораётганини яққол намоён этди. Ушбу сайловлар ҳалқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида, «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» широри остида ўтгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бизнинг амалиётимизда биринчи марта сайлов жаёнларини бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизим ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Фуқароларнинг сайловда қатнашишига оид конституциянг ўхуқуни таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этилган, бироқ оғир ва ўта оғир жиноят содир этмаган маҳкумларга илк бор овоз берши имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда)


«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ: 2019 йилда соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди

Қиши мавсуми бошланиши билан юртимизда совуқ, иқлим ҳарорати ҳукмронлик қиласди. Бундай ноқулай об-ҳаво, албатта, коммунал хизмати тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 июндан «Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари түғрисидағи ПҚ-4407-сонли қарор ижроси юзасидан мамлакатимизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларида қиши мавсумини беталафот ўтказиш учун пухта тайёрларни ишлари олиб борилди.

Шу ўринда, «Худудий электр тармоқлари» AJ томонидан юкоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган режа-дастурга мувофиқ «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ иштеймолчиларни сифатли электр энергияси билан барқарор таъминлаш, соҳага янги, замонавий технологияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошираётганини айтиб ўтиш жоиз.

(Давоми 8-бетда)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 20 январь куни
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Мажлиса давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мажлиси очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси янгради.

Мажлиса Олий Мажлис Сенатининг шакллантиришчи очиқлик ва транспарентлик каби демократик тамоиллар асосида миллий сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилганда таъкидланди.

Қоқалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари Сенат аъзолари сайлови бўйича кўшма мажлислирида 84 нафар сенатор сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 13 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенатнинг янги таркиби фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, давлат ва жамият фоалиятининг бошқа тармоқларida катта амалий таҳжрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обурул фуқаролардан шакллантирилган қайд этилди.

Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

(Давоми 4-бетда)

БУГУНГИ СОНДА:



Кўп квартирали
уйларни қандай
бошқариш
мумкин?

4



Худудлар
ободлигидан
аҳоли мамнун

5



Приглашение
для участия в
национальных
конкурсных
торгах

6



С 2020 года
меняются
правила
высотной
застройки

8

